



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «15» июнь

VI-29-9-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир 2021 йилнинг 5 оyi давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, топшириқлари ва баёнлари билан ишлашда камчиликларга йўл қўймаслик учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилган.

Бу борада, “Ijro.gov.uz” идоралараро электрон тизимга бугунги кунга қадар жами 822 та ҳужжатлар келиб тушган бўлиб, (124 таси Фармон, 454 таси қарор, 21 таси Фармойиш ва 223 та баён) ушбу ҳужжатларда берилган жами топшириқлар сони 5291 тани ташкил этади, шундан ҳозирги кунга муддати келган 3635 тасининг ижроси таъминланган бўлиб, 1642 таси ижроси ҳозирда бажарилмоқда.

2021 йил 28 март ҳолатига Сурхондарё вилоят ҳокимлигига жами 397 та ҳужжатлар келиб тушган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари 35 тага, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари 41 тага, қарорлари 108 тага ва фармойишлари 5 тага ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 190 тага ва фармойишлари 18 тага тўғри келди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қабул қилинган ҳужжатлар ижроси юзасидан жойларда жами 2 та (Жарқўрғон, Шеробод, Термиз, Олтинсой туман ҳокимликларида) ўрганиш ишлари ташкил этилиб, 4 та муҳокама йиғилишлари ташкил этилди ва масъулиятсизликка йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан жами 23 та (3 таси вилоят ҳокимлигидан, 6 таси Жарқўрғон, 5 таси Шеробод, 4 таси Олтинсой, 5 та Термиз туманлари ҳокимликларида) ҳайфсан жазо чоралари қўлланилган.

Қабул қилинган қарор, фармойиш ва чора-тадбирлар ижроси ҳар ҳафта жума куни вилоят окимининг биринчи ўринбосари ҳузурида, ҳар ҳафта душанба куни вилоят ҳокимлигида вилоят ҳокими раислигида ўтказиладиган аппарат йиғилишларида муҳокама этиб борилмоқда.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилиниб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти ҳокимининг молия - иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Ф.Мамановнинг қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида 2021 йилнинг 5 оyi давомида амалга оширилган ишлари юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари бир ҳафта муддатда ушбу Фармонда берилган топшириқларнинг ижросини сўзсиз ва ҳар томонлама амалга оширилиши юзасидан аниқ ҳаракатлар режалари пухта ишлаб чиқилишини ва тегишли мажлисларида белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибиятига тақдим этсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари (Ш.Холлиева, Т.Мамараимов, Д.Сувонова, Д.Джураева, А.Эшмуратов, А.Хуррамов, И.Ёкубов, М.Махмудова) зиммаларига юклансин.

4. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.